



Россия Муфтийлар Кенгаши ва Чехия республикаси халол маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш бўйича келишиб олишди.

Россия Муфтийлар Кенгашининг матбуот хизмати душанба 16 –сентябр куни бу ҳақда маълумот берди. Кенгаш халол стандарт ва сертификат бериш халқаро маркази халол стандартни ривожлантириш бўлимининг директори Юсуф Раиков ва Москва Халол кўрғазмаси директорининг муовини Беслан Аҳадов яқинда Москва шаҳридаги Чехия элчихонасида Чехия –Марказий Осиё Бизнес палатасининг бошлиғи Эржи Нестовел ва ушбу мамлакат Молиявий ширкатлари гуруҳи директорининг ўринбосари Артур Костондов билан ўтказган учрашувлари ва мулоқотлари жараёнида юқоридаги масала муҳокама этилди.

Ушбу учрашувда Россия ва жаҳонда халол саноат ривожланишининг бугунги аҳволи ва келажакдаги истикболлари, шунингдек бу соҳадаги иккитомонлама ҳамкорликларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Хабарда ёзилишича, мазкур учрашувда Афғонистон вакили Фарёд Ёр ва Россия кишлок хўжалиғи дехконлари ва кооперативлари жамиятининг вакили Вячеслав Телегинлар ҳам иштирок этишди.